O'ZBEKISTON

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 5 март, чоршанба • №18 (11.509) • Эркин нархда сотилади

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

*Шу йилнинг 4 март куни иккинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг XV сессияси бўлиб ўтди.*

Унинг ишида вилоятдан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳокимликнинг гуруҳ ва котибиятлари раҳбарлари, бўлим ва бошқармалар, вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, вилоят, туман «МТП» очиқ акциядорлик жамиятларининг раислари иштирок этдилар.

Сессияни халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси, вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Сессия Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳарбий қисмларида интизомни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши бўйича Чирчиқ шаҳар, Бекобод ва Бўстонлиқ туманлари хотин-қизлар қўмиталарининг олиб бораётган ишлари ҳақидаги масала юзасидан 15-Янгиобод сайлов округидан депутат Абдурашид Шарофуддиновнинг маърузасини тинглади. Маърузани муҳокама қилишда Бўстонлиқ туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Турсуной Казакова ва бошқалар иштирок этишди. Сессияда Фармон ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар олиб борилаётганлиги таъкидланди. Хотин-қизлар қўмиталарининг доимий фаолият кўрсатувчи комиссиялари ҳарбий қисмларда тарбиявий ишларни йўлга қўйиш ва ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, аскарларнинг маиший турмушини яхшилашда фаол қатнашаётирлар. Лекин, шу билан бирга, сессияда ҳали бу борадаги ишларни такомиллаштириш, унинг янги-янги услубларини топиш ва амалга ошириш юзасидан таклифлар билдирилди.

Сессияда Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари доимий комиссияси аъзоси, 14-Трансформаторчилар сайлов округидан депутат Дониёр Азизхўжаевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 16 апрелдаги, вилоят ҳокимининг 1999 йил 26 апрелдаги қарорлари билан тасдиқланган «Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги махсус комиссия тўғрисидаги Низом»нинг ижросини таъминлаш ҳақидаги маърузаси тингланиб, муҳокама қилинди. Нотиқлар — вилоят ички ишлар бошқармасининг хорижга чиқиш, кириш ва фуқаролик бўлими бошлиғи Алишер Тошматов, вилоят хўжалик судининг раиси Шоназар Бердиев мазкур комиссия ишини яхшилаш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдиришди.

Сессия Тошкент вилояти ҳокимининг 1999 йил 10 июндаги «Вилоят маданият муассасалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси ҳақидаги масала юзасидан Ижтимоий-маданий ривожланиш доимий комиссиясининг аъзоси, 28-Ўнқўрғон сайлов округидан депутат Меҳрибон Тожиеванинг маърузасини алоҳида талабчанлик билан муҳокама қилди. Мазкур масалани муҳокама қилишда вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Рамзиддин Икромов, Олий Мажлис депутати Ўткир Ҳошимовлар сўзга чиқишди. Асосий эътибор барча маданият муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш, муассасаларни билимдон, лаёқатли кадрлар билан таъминлаш, кутубхона, клуб, маданият ва истироҳат боғлари иш савиясини кўтариш масалаларига қаратилди.

Сессияда вилоят «Машина-трактор парки» акциядорлик жамиятлари бирлашмаси раиси Усмон Холовнинг «Вилоят қишлоқ хўжалигида ҳамда «МТП» акциядорлик жамиятлари бирлашмасида қишлоқ хўжалик техникаларидан фойдаланиш самарадорлиги, қишлоқ хўжалик корхоналарига техник хизмат кўрсатиш, бу соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш тўғрисида»ги маърузаси ҳам муҳокама қилинди. Шунингдек, депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент вилояти минтақавий вакили Лазиза Акбарованинг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент вилояти минтақавий вакилининг фаолияти ва вилоят прокурори Фахри Раҳимовнинг «Вилоятда қонунийлик ва жиноятчиликнинг аҳволи ҳамда қонунийликни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш тўғрисида»ги ахборотларини тингладилар.

Булардан ташқари сессия халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг «Ёшлар сиёсати» масалалари бўйича доимий комиссиясини тузиш, баъзи доимий комиссиялар таркибига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқди ва вилоят ҳокими томонидан қабул қилинган айрим қарорларни тасдиқлади.

Сессияда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## СЛОВАКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Словакия Республикаси Президенти Рудольф Шустер 2003 йил 6-7 март кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама этилиши ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

## БРАТИСЛАВАДА «ЎЗБЕКИСТОН» КЎЧАСИ БОР...

*Словакия Республикаси Марказий Европада жойлашган. Словакиянинг ҳақиқий бойлиги - унинг ажойиб тоғларию водийлари, дарёлари ва ўрмонлари, афсоналардагидай қадимий шаҳарларию эртакмисол қасрлари. Словакия нафақат ўзининг гўзал табиат манзаралари ва қадимги ёдгорликлари билан машҳур.*

Бу республикада сиҳат-саломатлик ва спорт тушунчалари ажралмас маъно касб этади. Бу ерда жаҳон андозаларига мос ҳамда ўзининг шифобахш суви ва ҳавоси билан машҳур кўплаб дам олиш масканлари мавжуд.

Давлат раҳбари умумий ва яширин овоз бериш йўли билан беш йил муддатга сайланадиган президентдир. Айни пайтда у давлат қуролли кучлари бош қўмондони ҳамдир. Словакия Республикасининг ҳозирги президенти Рудольф Шустер мамлакатни 1999 йилдан бошқариб келади.

Ўзбекистон ва Словакияни минглаб километр масофа ажратиб туришига қарамай, мамлакатларимиз ўртасида бир-бирига ўхшаш ва яқин ришталар мавжуд. Словакия Европанинг, Ўзбекистон эса Марказий Осиёнинг марказида жойлашган. Словакия ҳам Ўзбекистон сингари ёш мустақил давлатдир. У ўзининг мустақиллигини 1993 йил 1 январда – Чехия ва Словакия Федератив Республикаси бўлиниши тўғрисидаги шартнома кучга кирган кунда қўлга киритди. Ёш мустақил давлат бўлишига қарамай, Словакия бой тарихга эга. Мамлакатда жаҳон маданияти дурдоналари сирасидан ўрин олган кўплаб қадимий ёдгорликлар мавжуд.

Айтиш жоизки, Словакия Республикаси ташкил топганидан сўнг бир неча кун ўтгач, мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Бу эса давлатларимиз ўртасида кўп томонлама муносабатларнинг ривожланишига катта туртки бўлди.

Икки давлат ҳамкорлигининг мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этган воқеалардан бири 1997 йил 16-17 январда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Словакия Республикасига ташрифи бўлди. Ташриф давомида икки томонлама ва халқаро ҳамкорлик борасидаги қатор шартномалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Словакия Республикаси ўртасида ўзаро муносабатлар ва ҳамкорлик асослари тўғрисида битим имзоланди.

Сўнгги йиллар мобайнида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик янада тараққий этиб борди. Икки давлат турли доираларидаги вакилларининг ўзаро ташрифлари анъанага айланди.

Республикамиз Олий Мажлиси ва Словакия Республикасининг Миллий Кенгаши ўртасидаги парламентлараро муносабатлар ҳам ривожланиб бормоқда. Хусусан, икки мамлакат парламенти аъзолари ЕХҲТ парламентлараро иттифоқи ва парламент ассамблеяси доирасида яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон билан Словакия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳам жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. 1997 йил майда Тошкентда Ўзбекистон-Словакия иқтисодий анжумани бўлиб ўтди. 1998 йил майда эса пойтахтимизда Ўзбекистон-Словакия ҳукуматлараро савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Словакия Республикаларининг иқтисодий тараққиёти, икки мамлакат

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистонлик хусусий тадбиркорлар ўзларининг сармоя лойиҳалаш ва бизнес режаларини тузиш борасида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари орасида ўтказилаётган энг яхши бизнес лойиҳа кўригида иштирок этиши учун танлов бошланди. Танлов ғолибларини ЕТТБнинг имтиёзли кредити билан бирга қимматбаҳо мукофотлар кутмоқда.*

## ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Пойтахтдаги "Шодлик палас" меҳмонхонасида ушбу тадбир ташаббускорлари ва ҳамкорлари иштирокида анжуман бўлиб ўтди.

Мазкур "Энг яхши бизнес лойиҳа" кўриги Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ташаббуси билан ўтказилмоқда. Унга Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Ўзсаноатқурилишбанк", "Асакабанк", "Ўзуйжойжамғармабанк" ва "Пахтабанк" ҳамкорлик қилаётир.

Кўрикка Швейцария иқтисодиёт давлат қўмитаси ва Ўзбекинвест миллий Экспорт-импорт суғурта компанияси ҳомийлик қилмоқда. Тадбир жараёни SAIPRO компанияси томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Танловдан мақсад Ўзбекистон ишбилармонларининг стратегик режалаштириш ва эркин бозор шароитида рақобатлашиш қобилиятини намойиш этишдир. Тадбирда иштирок этишни истаган кичик ва ўрта бизнес корхоналари ўзларининг бизнес режаларини тайёрлаб, кўриб чиқиш учун номлари зикр этилган банкларга тақдим этиши керак.

Танлов март-апрель ойида ўтказилади. Апрель ойининг сўнгги ўн кунлигида аризалар халқаро ҳайъат томонидан кўриб чиқилади. Ғолиблар эса 4-5 майда Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарувчиларининг Тошкентда бўлиб ўтадиган йиллик мажлиси арафасида эълон қилинади.

Тадбир режасига кўра, Ўзбекистондан иштирок этаётган банклар ўзларининг ҳозирги ва салоҳиятли мижозларини кўрикда иштирок этишга жалб қилиши керак. Кўрик қоидалари ва ариза бериш жараёни режалаштирилаётган реклама компаниясида ва 2003 йил 25 мартда ўтказиладиган ахборот кунида ҳар томонлама тушунтирилади. Мазкур тадбир ЕТТБнинг кичик ва ўрта бизнесни молиялаштириш кредит линияларига бўлган қизиқишни ошириши шубҳасиз.

Танловда ғолиб чиққан учта корхона имтиёзли кредитлар олиш билан бирга 20, 15 ва 10 минг АҚШ долларига тенг офис жиҳозларига эга бўлади. Шунингдек, ғолибларга "Ўзбекинвест" Миллий экспорт-импорт суғурта компанияси турли суғурта полисларини бепул тақдим этади.

- Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда, - дейди ушбу халқаро молия муассасасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Кенза Наказава. - Шу кунгача юртингиздаги шундай корхоналарнинг 70 дан ортиғи ЕТТБдан кредит олиб, фаолият юритмоқда. Мазкур танловимиз ҳам Ўзбекистондаги хусусий тадбиркорлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган. Биз танлов йўли билан нафақат, хусусий ишлаб чиқаришни, балки энг яхши бизнес лойиҳаларни ҳам қўллаб-қувватламоқчимиз. Бу шубҳасиз маҳаллий тадбиркорлар учун яна бир имконият.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ҳамда замонавийлаштириш мамлакатимизда устувор аҳамият касб этмоқда.*

## ИЛМ-ФАН ЧЕГАРА БИЛМАС

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятини ташкил этишга қаратилган қарорига мувофиқ, ушбу олий ўқув юрти республикамизда алоқа ва ахборот технологиялари соҳасини янада кенгайтириш, кадрлар тайёрлаш бўйича базавий олий таълим муассасаси сифатида белгиланди. Ҳозир бу ерда масофадан туриб ўқитиш бўйича истиқболли дастур ишлаб чиқилди.

**ЎзА.**

## ТОШКЕНТ ВА ЛОНДОН ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТЛАРИ

*Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасида турли соҳаларда икки томонлама муносабатлар тобора ривожланмоқда. Бунга Британиянинг нуфузли олий таълим юртларидан бири - Вестминстер университетининг таълим соҳасидаги самарали ҳамкорликни мисол келтириш мумкин.*

1995 йилдан буён университет республикамиз олий ўқув юртлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатган. Ўтган давр мобайнида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан муштарак таълим дастурлари доирасида кўплаб ўзбек мутахассислари ва талабалари Англиянинг ушбу олий таълим юртида ўқиш ва тажриба орттириш имкониятига эга бўлдилар.

Британия олий таълим тизими мувосафотлари (стандартлари)га мувофиқ мутахассисларни тайёрловчи Халқаро Вестминстер университетининг 2001 йилда Тошкентда очилиши икки томонлама муносабатларда янги босқич бўлди. Айни пайтда янги университетнинг 16 талабаси Лондонда иқтисодиёт, менежмент, ахборот технологиялари ва ҳуқуқ мутахассисликлари бўйича таҳсил олмоқдалар.

Талабаларимиз ва Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонаси ташаббуси билан Вестминстер университетида мамлакатимиз тақдимоти бўлиб ўтди. Унда олий таълим юрти профессор ва ўқитувчилари, илмий доиралар вакиллари ва хорижий талабалар қатнашдилар.



Вестминстер университети ректори доктор Джеффри Копланд тадбирни очар экан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон мустаҳкам таълим тизимини яратганини таъкидлади. Унинг фикрича, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатнинг илмий ва ақлий қудратини мустаҳкамлаш, кучли ижтимоий ва демократик давлатни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбир иштирокчилари мамлакатимиз талабаларининг мустақил Ўзбекистон тарихи ва ҳозирги куни, унинг маданий обидалари ва диққатга сазовор жойлари, ўзбек халқининг миллий одат ва анъаналарига бағишланган тақдимотини катта қизиқиш билан мушоҳада этдилар.

**Мардон ЯКУБОВ,**
**«Жаҳон» АА,**
**Лондон.**

## СОФ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАҚДИМОТИ

*Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Соф ишлаб чиқариш миллий маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган атроф-муҳит мусаффолигини таъминлайдиган замонавий технологиялар тақдимоти бўлиб ўтди.*

Мамлакатимизда барча ишлаб чиқариш жабҳаларида табиатга зарар етказмайдиган замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш экологик мувозанатни сақлаш, табиий бойликларни тежаш баробарида маҳсулот сифатини яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва ЮНИДО халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилган Соф ишлаб чиқариш миллий маркази фаолият йўналишларидан бири - экологик жиҳатдан самарали усул ва воситаларни мамлакатимиз корхоналарига жорий этишни йўлга қўйишдир.

Германиянинг Infastaub Gmbh ва Intensiv Gmbh компанияларида ишлаб чиқариладиган чанг ва газ ютувчи қурилмалардан дунёнинг ўттиздан зиёд мамлакатида фойдаланилади. Бундай воситаларнинг ҳавога чиқадиган зарарли моддаларни ушлаб қолиш самарадорлиги юқори.

Тадбирда мазкур қурилмаларнинг афзалликлари, ишлаб чиқариш жараёнида улардан фойдаланиш йўл-йўриқлари хусусида батафсил маълумот берилди.

**ЎзА.**

ВИЛОЯТ ҳаёти

## УЙ-ЖОЙ ЭГАЛАРИ ХИЗМАТИДА

*«Азиз» — Бекобод шаҳрида ташкил этилган уй-жой эгалари ширкатларининг йирикларидан ҳисобланади. Унга 20 та кўпқаватли уй бириктилган.*

Ширкат жамоаси қисқа муддатда катта ҳажмдаги созлаш ва таъмирлаш ишларини амалга оширди. Куни кеча 54 хонадон истиқомат қиладиган 84-уйнинг иситиш тармоқлари қўлдан чиқарилди. Қувурлар таъмирланди, баъзилари алмаштирилди, бўялди. Эндиликда 90-уйда муҳандислик тармоқларини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Ширкатда иш сифатига алоҳида эътибор берилмоқда. Уста Ботирали Қосимов, пайвандчилардан Расул Нўмонов, Азим Алибоев, Александр Намлар барча топшириқларни вақтида бажариб, ширкат аъзолари бўлган уй-жой эгаларининг ҳурматини қозонмоқдалар.

**Ўз мухбиримиз.**

## «ЎЗ УЙИНГНИ ЎЗИНГ АСРА»

*Чиноз туманида «Ўз уйингни ўзинг асра» мавзуида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.*

Тумандаги ҳуқуқ-тартибот идораларининг бир қатор раҳбарлари ўз сўзларида баркамол ёшларни тарбиялаш, аҳоли барча қатламларининг ҳуқуқий маданиятини кўтариш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига тўхталиб ўтишди.

Мулоқотда қатнашган ёшлар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга тегишли жавоб олишди.

**Орзиқул МАЪМУРОВ.**

## МАКТАБДА МУЛОҚОТ

*Ўсмир-ёшларни ҳар томонлама соғлом ва маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

Чунончи, «Маънавият ва маърифат» маркази ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмалиқ шаҳар бўлимлари шаҳардаги 14-мактабда долзарб мавзулардан бири — ОИТС ва гиёҳвандликка қарши оммавий тарзда кураш масалалари юзасидан очиқ мулоқот ўтказди. Вилоят ОИТС маркази мутахассиси Муяссар Ҳикматова қатнашчиларга ушбу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва гиёҳвандлик каби аянчли иллатлар хусусида батафсил гапириб берди.

Тадбирда коллеж талабалари, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ва маҳаллалар қўмиталари раислари, педагог-тарбиячилари иштирок этишди.

**Ўз мухбиримиз.**

ВИЛОЯТ ҳаёти

# БРАТИСЛАВАДА «ЎЗБЕКИСТОН» КЎЧАСИ БОР...

ўртасида савдо-иқтисодий ҳамда илмий-техникавий ҳамкорликнинг аҳволи ва истиқболларига оид масалалар муҳокама этилди. Комиссия йиғилиши якунларига кўра «Қўшма баёнот» ва «Ҳукуматлараро комиссия низоми» имзоланди.

2000 йилнинг апрель ойида Словакияда Ўзбекистон-Словакия Ҳукуматлараро савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик комиссиясининг иккинчи мажлиси ҳамда "Ўзбекистонда бизнес билан шуғулланинг" бизнес-семинари ўтказилди.

Айни пайтда Ўзбекистонда словакиялик сармоядорлар иштирокида 6та корхона ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Улардан бири юз фоизли Словакия капитали билан ишламоқда.

Словакия сармоялари иштирокидаги корхоналар қурилиш-монтаж хизматлари кўрсатиш, енгил саноат, қурилиш материаллари, мебел ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, савдо ва бошқа соҳаларда фаолият юритмоқда.

Икки мамлакат олимлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳам тобора ривожланмоқда. Илмий муассасалар алоқалари икки томонлама асосда ҳамда Фанлар академияларининг халқаро ассоциациялари орқали Словакия ва Ўзбекистон Фанлар академияларининг илмий-техникавий муносабатлари доирасида ривожланмоқда.

Мавриди келганда таъкидлаш жоизки, Тошкентнинг марказий кўчаларидан бирига "Братислава" номи берилган бўлса, Словакия пойтахти Братислава шаҳрида эса "Ўзбекистон" кўчаси бор. Бу эса икки мамлакат халқларининг ўзаро ҳурмат ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга бўлган саъй-ҳаракатларидан далолатдир.

Шак-шубҳасиз, ўзаро алоқаларимизни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг истиқболи порлоқдир. Айни пайтда Словакия Республикаси президенти Рудольф Шустернинг мамлакатимизга ташрифи бу йўналишда яна бир муҳим босқич бўлиб қолади.

***Музаффар ЗОҲИДОВ,***
***"Жаҳон" АА шарҳловчиси.***

(Давоми. Боши 1-бетда).

## «Ташаббус — 2003» совриндорлари

# «ЭНГ ИНТИЗОМЛИ СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ»

*Мамлакатимиз мустақилликка эришмасидан илгари дори-дармонларнинг аксарият кўпчилиги ташқаридан келтириларди. Кейинги йилларда бу қарамликни камайтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи корхоналар барпо этиляпти.*



Шу туфайли бундай маҳсулотларни хориждан қимматга импорт қилиш ҳажми муттасил камайиб бормоқда. Бунга хусусий тадбиркорлик тузилмалари ҳам ҳисса қўшмоқдалар.

Тошкент туманида жойлашган «Астра-фарм Ко» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Тошпўлат Қодиров ҳам шу мақсадда 126 минг АҚШ доллари ҳажмида кредит олишга жазм қилди. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тадбиркорнинг бизнес режаси муҳимлиги ва кредитни қайтариб олиш учун кафолат қўядиган мулк етарли эканлигини ҳисобга олиб, шундай сармояни ажратишга рози бўлди. Натижада хорижий мамлакатлардан зарур асбоб-ускуналар келтирилиб, аввалдан тахт қилиб қўйилган ишлаб чиқариш майдонларига ўрнатилди.

Корхона жамоаси ўзининг дастлабки маҳсулотини 1998 йилнинг 1 августида бозорга чиқарди. Шу-шу жамият бир маромда ишлаб келмоқда. Буюртмачилар кўпайган сари дори-дармонлар ҳажми ва турлари ҳам ортиб бораяпти. Ҳозирга келиб, уларнинг тури 25 тагача етди. Ферматрин, ихтиол — турли ярачақаларга суртиш мойлари, йод эритмаси, таркибида олтингугурт бўлган дорилар шулар жумласидандир.

Жамоа ўтган хўжалик йилида тайёрланган дори-дармонлар ҳажми биринчи марта 434 миллион сўмликка етказилди. Буюртмачи бўлган касалхоналарга унинг 385 миллион сўмлиги етказиб берилди. Қолганларини мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидаги дорихоналари харид қилдилар.

Самарали ишлашдан, аввало, корхона жамоаси моддий манфаат кўраяпти. Фойда ортган сари ишчи-хизматчиларнинг ўртача иш ҳақлари кўпаймоқда, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш кучаймоқда. Турли хайрия ишларига ҳам катта миқдордаги маблағлар ажратилмоқда.

Жамият раҳбари куни кеча Тошкент туманида уюштирилган «Ташаббус — 2003» кўрик-танловида тадбиркорлик йўналиши бўйича ғолиб чиқди. Боз устига, солиқларни доим вақтида тўлаши, бунда чалкашликларга умуман йўл қўймаслиги боис, кўрик-танловда юзлаб касбдошлари орасида «Энг интизомли солиқ тўловчи» деган номга лойиқ деб топилди.

***Собир ҲАМИДОВ.***

# Рейтинг — самарадорлик кўрсаткичи

*Хорижий инвестициялар ва аҳоли омонатларини жалб этиш иқтисодиёт самарадорлигининг муҳим захирасидир. "Ахбор-рейтинг" банклараро рейтинг компанияси мана олти йилдирки ҳар чоракда инвесторлар ва бозорнинг барча фаол иштирокчиларига Ўзбекистон банклари фаолиятининг баҳоланиши ҳақида холис, тушунарли ахборот бериб келмоқда.*

2002 йил якунларига кўра, республикадаги 35 та тижорат банкининг 26 таси компания билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улар фаолияти натижаларини ўрганиш шуни кўрсатдики, ўтган йили уларнинг активлари 31 фоиз, капитали 44 фоиз, кредит қўйилмалар ҳажми 28 фоиз ўсди, корхоналарга берилган қарзлар 42 фоиз, депозитлар эса 85 фоиз кўпайди.

Жумладан, ўтган йил якунларига кўра, йирик банклар орасида ўринлар қуйидагича тақсимланди: биринчи ўрин – Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, иккинчи ўрин – "Асака" банк, учинчи ўрин – "Пахта-банк".

Ўрта банклар орасида: биринчи ўрин – "УТ-банк", иккинчи ўрин – "Авиабанк", учинчи ўрин – "Ҳамкорбанк".

Кичик банклар ўртасида эгалланган ўринлар қуйидагича бўлди – "Алп Жамол Банк", "Универсал банк", "Карвонбанк".

Ўрта банклар ҳаммадан кўра жадал ривожланмоқда. Улар якуний рейтингининг ўсиши йирикларникидан тўрт марта ва кичик банкларга нисбатан икки марта ортиқ. Йирик банклар орасида "Ғаллабанк", "Халқ банки", "Пахта-банк" ўз якуний рейтинг баҳоларини ҳаммадан тез оширмоқда.

Янги иштирокчи АБН АМРО Банк йирик халқаро банклар вакиллари орасида Ўзбекистон тижорат банклари республика рейтингига қўшилган биринчи банкдир. Кутилганидек, у йирик банклар орасида муносиб ўрин эгаллади.

Ўрта банклар ўртасида рақобат кескинлигича қолмоқда. Бу гуруҳнинг етакчиси "УТ-банк" ўз мавқеини мустаҳкамлаб, якуний рейтинг бўйича йирик банклар гуруҳи аъзосидан ҳам ўзиб кетди.

Кичик банклар гуруҳи пешқадами "Алп Жамол Банк"нинг барча кўрсаткичлар бўйича натижалари яхши. Мутлақ якуний рейтинг бўйича у ўрта гуруҳнинг баъзи банкларидан олдинда, бу эса унинг фаолият самарадорлигидан далолат беради. Кичик банклар гуруҳининг иккита янги иштирокчиси – "Универсал банк" ва "Капитал банк" юқори натижалар кўрсатди.

***Ж. РАУПОВ,***
***ЎзА мухбири.***

# КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

*Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш масалалари бўйича Олий Мажлис комиссиясининг Жамоатчилик институтлари, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича кичик комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни бажаришга қаратилган тадбирлар, жумладан, оммавий ахборот воситалари соҳасида иқтисодий муносабатлар ҳуқуқий асослари бўйича концепцияда кўзда тутилган масалалар муҳокама этилди.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмиталарининг раҳбарлари, Олий Мажлис депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзаро фикр алмашди.

***(ЎзА).***

## Ўрта ва кичик бизнес — тараққиёт гарови

# ТАДБИРКОРГА НИМАЛАР ҚАНОТ?

*Бозор иқтисодиёти шароитларида хўжалик фаолияти тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари билан изоҳланади. Бу жараён қайси жиҳатлари билан диққатга сазовор? Тадбиркорларнинг шахсий ва касбий фазилатларига қандай талаблар қўйилади?*
*«Тошкент ҳақиқати» газетасининг мухбири Жўрабек Муродов шу каби саволлар билан Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг доценти, иқтисод фанлари номзоди Зуҳра Сафаровага мурожаат этди.*

— Бугунги кунда тадбиркорлик жамият иқтисодий тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучига айланди, — деди олима. — Ўзбекистонда кичик, ўрта ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватловчи зарур қонунчилик асослари, тегишли инфратузилма амал қила бошлади.

Хўш, бугунги тадбиркорлик ҳаракатининг мақсад ва вазифалари қандай? Умуман, тадбиркорга қандай талаблар қўйилади?

Биласизки, тадбиркорлик ўзбек халқининг узоқ ўтмиши билан боғлиқ анъанаси. Аждодларимиз ўз ишбилармонликлари, тадбиркорлик саъй-ҳаракатлари билан қадим-қадимдан Шарқ билан Ғарб ўртасида кўприк вазифасини бажариб келмоқдалар. Буюк Ипак йўли фикримизнинг ёрқин далили. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу фазилатлар бутун қадди-басти билан қайта намоён бўла бошлади.

— Бозор иқтисодиёти равнақининг бугунги босқичида тадбиркорликнинг уч жиҳати кўзга яққол ташланмоқда. Унга иқтисодий категория, хўжалик юритиш услуби ва иқтисодий тафаккурнинг янги типи сифатида қаралаётир.

**Факт: шу йилнинг 1 январигача Тошкент вилоятида 2070 кичик корхона, 13 минг 800дан зиёд микрофирма фаолият кўрсатди. 32 мингдан ортиқ киши якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқда.**

Сир эмас, мамлакатимизда ҳақиқий тадбиркорлик суст ривожланмоқда, унинг йўлида объектив ва субъектив тўғаноқлар кўп. Истиқболда биз тадбиркорларимизга қандай кафолатлар беришимиз керак?

Исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат шуки, тадбиркор умуман эмин-эркин, мустақил бўлолмайди — у ҳамиша бозорга қарам. Унинг хўжаликни юритиш усули ва тадбиркорлик саъй-ҳаракатларининг натижалари ўзи қабул қилаётган ҳар бир қарори учун жавобгарлик билан боғлиқ. Зеро, тадбиркорнинг ҳар бир қадами таваккалчиликдан иборат. Таваккал қилмаган, дангал иш юритмаган киши қанчалик уринмасин, чин маънода тадбиркор бўлолмайди.

— Тижорат муваффақиятига эришиш — фойда олиш осон эмас. Тадбиркор ҳамиша бозордаги талаб, таклиф, ўзгаришлар, баҳо-нарх ва рақобат даражаси, яъни бозорда таркиб топган конъюктура исканжасида иш олиб боради.

Шундай шароитда ишбилармон, тадбиркор ўз хўжалиги, «хусусий иши»нинг тижорат муваффақиятига эришиш — фойдани кўпайтириб боришга интилиб меҳнат қилади. Ўз мақсадларини рўёбга чиқариш учун у аввало «талаб»ни ўрганади, уни шакллантириш жараёнига ўз таъсирини кўрсатади. Бугина эмас, тадбиркорлар аста-секин ижтимоий масалаларни ҳам ҳал қила бошлайдилар. Уларнинг фаолияти соф иқтисодий вазифалар доирасидан чиқиб, жамиятнинг ижтимоий муаммоларини бартараф қилиш вазифалари билан уйғунлашиб кетади. Улар ўз хусусий маблағларини маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф табиий муҳитини муҳофаза қилишга сарфлай бошлайдилар. Бу саъй-ҳаракатлар билан жамиятнинг ижтимоий ривожига салмоқли ҳисса қўшадилар. Айни шу ўринларда тадбиркорнинг шахси, унинг инсонпарварлик фазилатлари намоён бўлади.

Айтиш жоизки, тадбиркорлик асло машғулот тури эмас, балки ақл-идрок рисоласи ва шахс хусусиятидир. Тадбиркорнинг тасаввур доираси ниҳоятда кенг. У вазиятни, талаб ва эҳтиёжни, рақобат хусусиятларидаги ўзгаришларни олдиндан кўра олиш иқтидорига эга бўлиши керак.

Тадбиркор ўз фаолиятига ижодий, новаторона ёндошмас экан, асло муваффақиятга эриша олмайди. Бинобарин, у тинмай ўқиши, ўрганиши, ўз билимини мунтазам ошириб, мамлакат ва хорижий тадбиркорлик ҳаракатларининг энг яхши тажрибаларини эгаллаб бориши лозим. Айни пайтда у ўз қарорлари ва ҳатти-ҳаракатларига танқидий назар ташлаш хусусиятини кучайтириб бормоғи даркор. Тадбиркор икки оддий қоидани асло унутмасин:

**Факт: Хозирги пайтда вилоятимизда 18.215 хўжалик юритувчи субъект рўйхатга олинган.**

ким дангалчи бўлмаса, муваффақият қозона олмайди — бу биринчидан. Иккинчиси — ким ҳисоб-китобсиз дангалчилик қилса, ҳеч шубҳасиз бошлаган хусусий иши гуриллаб кетмайди. Тадбиркорлик фаолиятларига шу жиҳатлардан ёндошиш барқарор ривожни таъминлайди.

Яна бир асосий мезон — ахлоқий-маънавий жиҳатлар ва касбий маданият. Тадбиркорда ўзи бошлаётган «иш» фақат ўзи учун эмас, бошқалар, жамият ва давлат учун ҳам фойдали эканлигига ишонч кучли бўлиши керак. У ҳар бир ҳаракатида атрофидагилар ўзи билан ишлашни хоҳлайдилар ва ишлай оладилар, у билан ҳамкорликда ўз имкониятларини рўёбга чиқара оладилар, деган нуқтаи назардан келиб чиқиши зарур. Шу билан бирга тадбиркор соғлом рақобатнинг зарурлиги, ҳамкорлик муҳимлигини эътироф этмаса, ҳеч қачон бир текис фаолият кўрсата олмайди. У амалдаги қонун-қоидаларни, иқтисодий билимларни пухта билиши, уларга амал қилиши муҳим. Аниқлик, ўз ваъдалари ва қарорларида устуворлик тадбиркор маънавий қиёфасини белгиловчи, унинг нуфузини кўтарувчи фазилатлар ҳисобланади.

Шулардан келиб чиқадики, тадбиркор хусусиятида инсонийликнинг устунлиги ниҳоятда муҳим, унинг истиқболини белгиловчи мезондир. Акс ҳолда унинг фаолияти ёввойиларча тус олади, кўп манфаат кўриш, катта фойда ортидан қувиб, ёлланма меҳнатчиларнинг «сиқиб сувини ичиш»га ружу қўяди. Бу эса, пировардида, уни энг кўп фойда олишга эмас, балки касодга, инқирозга олиб боради.

Афсуски, бугунги тадбиркорларнинг каттагина қисми шу оддий ҳақиқатларни англаб етмаётирлар. Фақат бугунги фойдани ўйлаб, истиқболга назар ташламаётирлар. Кўпгина фирмалар, кичик корхоналар қисқа муддатда ўз фаолиятини тўхтатиб қўяётганлигининг асосий сабабларидан бири шу.

— Кўрдингизки, бозор иқтисодиёти муносабатлари амал қилаётган ҳозирги даврда тадбиркорнинг фазилатлари, ишга қобиллик хусусиятларига алоҳида талаблар қўйилади, — деди пировардида олима. — Уларга оғишмай амал қилиш, ҳеч шубҳасиз, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий равнақини, тадбиркорлик ҳаракатида эса барқарор муваффақиятга эришиб боришни таъминлайди.

# «НАФОСАТ» — ҚИЗЛАР КЛУБИ

*Бекобод шаҳар халқ таълими бўлимининг болалар ижодиёти маркази қошида ташкил этилган «Нафосат» қизлар клуби ўз фаолиятини тобора кенгайтирмоқда.*

Гулнора Ботирова раҳбарлик қилаётган бу клуб, айниқса, ўсмир қизлар учун уларни қизиқтирган турли мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказмоқда. Чунончи, яқинда 3- ва 16-ўрта мактабларда юқори синфлар ўқувчилари билан мутахассис-шифокорлар учрашувини ташкил этди. Унда шаҳардаги қатор шундай масканлар ўқувчилари ҳам қатнашдилар.

Тадбирда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсмир қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларда учрайдиган касалликларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, аёллар репродуктив маркази фаолияти ҳақида суҳбат бўлди. Ёшларнинг иймаништарини ҳисобга олиб, имзосиз савол беришга рухсат этилди ва уларнинг барчасига атрофлича жавоб қайтарилди.

***Тўхтаниса ЖЎРАБЕКОВА.***

*Юртимизда кексаларга муносабат, эътибор ўзгача. Шу маънода фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси ташкил этилган эди.*

# ФАХРИЙЛАР — ФАХРИМИЗ

Бугунга келиб унинг иши ривож топиб, хайрли тадбирларнинг кўлами кенгайиб бораётир. Буни биргина жамғарманинг вилоят бўлими томонидан ўтган 2002 йилда амалга оширилган ишлардан ҳам кўриш мумкин.

Жамғарма ташаббуси билан 3632 нафар қария Самарқанд, Бухоро, Марғилон, Хива, Шаҳрисабздаги қадамжоларни зиёрат қилиб келди.

Аммо асосий эътибор замонамизнинг баркамол ёшларини тарбиялашда қарияларнинг ролини оширишга қаратиляпти. Шу мақсадда қатор тадбирлар — уч авлод учрашувлари, фахрийлар билан очиқ мулоқотлар уюштирилмоқда. Бу ишларда «Маҳалла» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимлари билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилган. Хусусан, ўтган йил давомида «Мустақиллик самаралари», «Миллий қадриятлар — халқ мулки», «Мустақилликни мустаҳкамлашга қандай ҳисса қўшаяпмиз?», «Ўзбекистон Конституцияси эркинлигимизнинг ишончли кафолатидир», «Эркин фуқаролик жамиятини қуриш — олий мақсадимиз», «Терроризм — XXI аср вабоси», «Ўз уйингни ўзинг асра» ва бошқа қатор мавзуларда оммавий тадбирлар ўтказилди. Уларда кексаларимиз ўз ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашиб, бугунги кунларнинг қадри, тинчлик-омонлик ҳақида ёшларга гапириб бердилар. Мутахассислар ёрдамида кўпгина тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилаяпти.

«Обод маҳалла йили»да ҳам «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими бир қатор хайрли ва савобли ишларни режалаштирган.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

# МАҲСУЛОТЛАРГА ТАЛАБ КАТТА

## бироқ, корхонада табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳамон ўткир бўлиб турибди

«Оҳангаронцемент» акциядорлик жамияти вилоятимиздаги йирик бинокорлик ашёлари корхоналаридан бири ҳисобланади. Унинг жамоаси ишлаб чиқараётган цемент ва бошқа шу каби маҳсулотлар қурилишларимизда кенг ишлатилади. Мамлакатимизда бирорта иншоот йўққи, уни бунёд этишда бу корхона маҳсулотларидан фойдаланилмаган бўлсин.

Лекин жамоа фаолиятининг бир томони ҳам борки, у кўнгилни бироз хира қилади. У ҳам бўлса, атмосфера ҳавосини булғатувчи катта манба эканлиги. Жамият қурилган пайтда атроф-муҳитнинг мусаффолигини таъминлашга қаратилган ишлар деярли амалга оширилмаган эди. Шунинг учун ҳар йили ҳавога минглаб тонна турли хил чиқиндилар ва зарарли моддалар тарқатарди. Буни бартараф этишга, айниқса, мустақиллик йилларида эътибор беқиёс кучайтирилди. Зарарли чиқиндилар билан табиатни ифлослантиришни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар режа асосида ҳар йили амалга ошириляпти. Бунинг учун кўплаб сармоя сарфланмоқда. Ўтган йил ҳам бундан мустасно бўлмади. Шу мақсад учун 70 миллион сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштирилди. Бу корхона ва унинг теварак атрофида экологик аҳволнинг анча яхшиланишига олиб келди.

Цемент тегирмонлари бўлимида ифлос чиқиндиларнинг чиқишини камайтиришда муайян натижаларга эришилди. Бу ерда чангни ушлаб қолувчи мосламалар тизимлари ишга туширилди. Шу туфайли зарарли моддаларнинг ҳавога чиқиши деярли минг тонна қисқарди. Цементни темир йўл вагонларига ортиш участкасида махсус мосламаларни ўрнатиш туфайли атрофга чанг сифатида тарқалиб кетадиган 240 тонна цементни сақлаб қолиш имкони туғилди. Бу тадбир корхонанинг ўзига иқтисодий фойда келтирмоқда.

Ишлаб чиқаришнинг бошқа бўлинмаларида ҳам экологик муҳитни яхшилашга қаратилган тадбирлар кўрилмоқда. Чунончи, айланма печларнинг аспирация тизимларини режали созлаб бориш жорий қилинди. Цементни қоплаш бўлимида ҳам табиат муҳофазасига доир ишлар қилинди. Натижада аспирация тизимининг чиқиндиларни тозалаш самарадорлиги 6 фоизга кўтарилди.

Корхона маъмурияти атроф-муҳитни ифлослантиришни камайтириш учун қатор янги ишларни амалга оширишни режалаштирмоқда. Шу мақсадда «Қувасойтаъмирловчи» акциядорлик жамияти билан шартнома тузилди. У «Оҳангаронцемент» жамиятида фақат аспирация тизимини такомиллаштириш учун 50 миллион сўмлик маблағ ўзлаштиради. Бу иш босқичма-босқич олиб борилади. Ниҳоясига етказилгач, бу тизимнинг тозалаш самарадорлиги 98 фоизгача боради, чиқиндиларнинг чиқиши эса икки баробарга камаяди. Ундан ташқари корхона жамоаси ўз кучи билан қатор қўшимча тадбирларни амалга оширади. Шунга қарамай, корхона ҳамон табиатни ифлослантирувчи йирик манба бўлиб қолмоқда. Уни бартараф этиш учун ҳали жуда кўп тер тўкишга тўғри келади. Аввало, ишлаб чиқариш технологиясини янада такомиллаштириш, табиатни муҳофаза қилишга ёрдам берадиган янги асбоб-ускуналар ва мосламаларни жорий қилиш, шу мақсадда белгиланган тадбирларнинг вақтида рўёбга чиқарилишини таъминлашга эришиш зарур. Қисқаси бундай савобли ва хайрли ишни имкони борича кенг кўламда олиб бориш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозим.

## Экология



***Собир МАҲМУДОВ.***

Асосий қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ




*80-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг органлари йиғилишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Бош вазир ва Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик судининг раислари, Бош прокурори, Марказий банки бошқарувининг раиси иштирок этишлари мумкин.*

Мазкур модда Ўзбекистон Республикаси Президенти, шунингдек, бир қатор мансабдор шахсларнинг Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан ўтказиладиган йиғилишларида иштирок қилишларини назарда тутади. Бу ерда гап кўрсатиб ўтилган мансабдор шахсларнинг мажбурияти ҳақида эмас, балки уларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг органлари мажлисларида қатнашиш ҳуқуқи ҳақида боради. Олий Мажлис ҳамда унинг органлари барча йиғилишлари одатда кўпчилик ҳолларда очиқ равишда ўтказилади. Олий Мажлиснинг қарорига мувофиқ мажлислар баъзи ҳолларда ёпиқ тарзда ҳам ўтказилиши мумкин. Олий Мажлиснинг очиқ йиғилишларида унинг ваколатига кирувчи масалаларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш билан боғлиқ бўлган вазифалар ошкоралик принципи асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг Кенгаши, қўмиталари ва комиссияларининг йиғилишларига давлат органлари, нодавлат ҳамда нотижорат ташкилотларнинг, дипломатик ваколатхоналар, давлатлараро ташкилотлар ва хорижий давлатлар оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва мустақил экспертлари таклиф қилинадилар.

Мазкур модда мазмунидан юқорида қайд қилиб ўтилган шахсларнинг фақат республика парламенти мажлислари ишида қатнашибгина қолмасдан, балки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда унинг органлари, шу жумладан унинг Кенгаши, қўмита ва комиссияларининг мажлисларида қатнашишлари мумкинлиги ҳам келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг йиғилишларида иштирок қилиш учун таклиф этилган шахслар Олий Мажлиснинг ҳамда унинг қўмиталарининг, комиссияларининг ишига аралашиш ҳуқуқига эга эмаслар, шу билан бирга улар ўрнатиб қўйилган тартиб-қоидага риоя қилишликлари ҳамда мажлисда раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунишлари шарт.

Шуни алоҳида назарда тутиш лозимки, Олий Мажлис депутати Олий Мажлиснинг сессиясида давлат органлари ёки мансабдор шахсларга ижтимоий аҳамиятга молик бўлган масалалар юзасидан расмий тушунтириш бериш ҳамда ўзининг фикрини баён қилиб бериш ҳақида қўйиладиган талаби бўлган депутат сўрови билан мурожаат қилиши мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Олий вакиллик органининг сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига, вазирликларга, давлат қўмиталарига, идораларга, шунингдек, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, унинг органлари, қўмиталар ва комиссияларининг ишида қуйидаги шахслар иштирок этишга ҳақлидирлар:

— Ўзбекистон Республикасининг Президенти;

— Конституциявий суд, Олий суд ҳамда Олий хўжалик судининг раислари;

— Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори;

— Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг раиси.

Шулар билан бир қаторда юқорида номлари кўрсатиб ўтилган шахслардан ташқари яна Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда унинг органлари ишида ошкораликни таъминлаш мақсадида Олий Мажлиснинг йиғилишларига Олий Мажлис Кенгаши томонидан таклиф этилган давлат органлари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, илмий муассасалар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа шахслар ҳам таклиф қилинишлари мумкин.

***Эргаш САЙИТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.***

# 2003 ЙИЛ – ХАЛҚАРО ЧУЧУК СУВ ЙИЛИ



*Халқаро ташкилотларнинг маълумотларига кўра айни кунда ер юзи аҳолисининг 40 фоизидан кўпроғи тоза ичимлик сувга муҳтож. Бу - икки миллиард киши демакдир.*

Мутахассисларнинг тахминларига қараганда, 2025 йилга бориб бу рақам хавотирли даражага ўсиши - сув танқислигидан азият чекувчи кишилар сони 5,5 миллиард кишига етиши мумкин.

Марказий Осиё минтақаси, жумладан, Ўзбекистон улкан сув захираларига эга эмас. Бу эса мавжуд сув имкониятларидан оқилона фойдаланиш, уни тежаб-тергаб ишлатишни тақозо этади. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар, айниқса, диққатга сазовор. Сўнгги йилларда мамлакатимиз аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш, барча жабҳаларда сувдан оқилона фойдаланишни ташкил этиш борасида сезиларли ютуқларга эришилди.

Келгусида мамлакатимиздаги мавжуд аҳоли яшаш масканларининг барчасини тўлиқ тоза ичимлик сув билан таъминлаш режалаштирилган. Қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш мақсадида хўжалик ички суғориш тизимларида гидропостлар қуриш ташкил этилмоқда. Ўтган йили 66,3 мингта ана шундай иншоот қурилди. Ҳозирда бу жараён жадал олиб борилмоқда.

***ЎзА.***

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

*Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтган "Фан ва жамият" туркумидаги доимий илмий-амалий семинарнинг навбатдаги йиғилиши "Леонардо да Винчи - олим, муҳандис, санъатшунос" деган мавзуга бағишланди.*

Семинарда сўзга чиққанлар Европа Уйғониш даврининг буюк намояндаларидан бири Леонардо да Винчи ўзининг кўп қиррали фаолияти билан инсоният тараққиётига қўшган улкан улуши хусусида сўзлади. Буюк итальян мусаввири, ҳайкалтарош, архитектор, математик ва механик олим кўплаб бетакрор асарлар, ихтиролар яратиб қолдирди. Илмий ва ижодий ютуқлари учун у бир неча асрлардан буён илоҳий мусаввир сифатида эътироф этилади.

Леонардо да Винчи меъморлик ва шаҳар қурилиши соҳаларида ҳам ўз даврининг тенгсиз истеъдод соҳиби эди. Шуниси эътиборлики, буюк мусаввир ўзининг рассом сифатидаги ижодий имкониятини алоҳида таъкидламаган. Унинг бу йўналишдаги энг машҳур асарларидан бири - Мона Лиза портретидир.

Семинарда Леонардо да Винчининг илмий ва ижодий салоҳиятидаги узвийлик, асарларида акс этган инсон тафаккурининг теран хулосалари хусусида фикрлашилди.

***Б. ХИДИРОВА,***
***ЎзА мухбири.***

Вояга етмаганлар тарбияси — умумий ишимиз

# «ҲАЁТДА ЎРНИНГ БЎЛСИН!»

Ҳар бир ўсмирнинг бугунги шиори шундай

Ёшлик даврининг шўхлик ва қизғин дамларида улғаяётган, ота-онасининг бироз эътиборсизлиги туфайлими ёки яқинларининг насиҳатларини уқмаганлиги боисми, Бўзсув қишлоғида яшовчи Эркин Эшмуҳаммедов, Фурқат Ҳасанов, Мақсуд Нишонов каби ўсмирлар ўзлари билмаган ҳолда майда жиноятларга ўралашиб қолишди.

Оқибатда, қилмишларидан панд еб, яхши номга эга бўлишга астойдил киришдилар. Мутасадди идораларнинг қўллаб-қувватлови билан ишга жойлашиб, ҳалол касб эгаси бўлишди.

Бугунги йигит-қизлар — мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги. Шу сабаб болалар тарбияси, айниқса, вояга етмаган ёшлар билан ишлаш масаласига давлатимиз ҳамиша алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ёшларимизнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, улар тўлақонли таълим-тарбия олишига етарли шароитлар яратилиб, барча ҳаракат улар баркамол бўлиб ўсишларига қаратиляпти.

Зангиота туманида вояга етмаганлар 62956 ўғил-қизни ташкил этади. Бу эса туман вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ва маҳалла қўмиталарини ёшлар билан шуғулланиш, уларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш омилларини яратиш учун самарали режалар тузишга ундайди. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, давлат ва жамият ёрдамига муҳтож, боқувчисини йўқотган шахсларни аниқлаш, уларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш, бу тоифадаги ўсмирларни болалар ижоди марказидаги тўгараклар, мактабдан ташқари муассасаларда ташкил этиладиган машғулотларга, спорт ва жисмоний чиниқтириш машқларига жалб этиш ишлари олиб борилаяпти.

Шу билан бирга васийлик ҳамда ҳомийлик идоралари фаолиятида қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя қилиш борасида муайян тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бера бошлади. Ўтган 2002 йилда туманда вояга етмаган ўсмирлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир қилиниши 416 тадан 161 тага камайишига эришилди. Фарзандларига эътиборсизлик туфайли юзага келган кўнгилсизликлар сабаб 32 ота-она маъмурий жавобгарликка тортилди. Шуни ҳам айтиш жоизки, ўсмирлар томонидан 2001 йилда 19 та жиноят содир этилган бўлса, ўтган 2002 йил давомида бу кўрсаткич 8 тани ташкил этди. Бу жиноий ишлар билан боғлиқ масалалар комиссиянинг жойларда ўтган 15 та кўчма мажлисида кўриб чиқилди, тарбиявий ишларни жонлантиришнинг аниқ режалари белгилаб олинди.

Ёшларни меҳнатга жалб қилиш, уларни иш билан таъминлаш мақсадида қишлоқ фуқаролари йиғинларида туман меҳнат бўлими ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Натижада 58 нафардан ортиқ ўсмир иш билан таъминланди. Бу ишларни айниқса, Хонобод, Чиғатой Оқтепаси, Эшонгузар ва Қатортол қишлоқларининг фуқаролари йиғинлари фаоллик билан амалга оширишди.

Умуман олганда, туманда 45 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, уларда 31539 нафар, мактабдан ташқари иккита ўқув муассасасида эса, икки мингдан ортиқ ўқувчи билим олмоқда. Иқтидорли ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлаш, уларга касб-ҳунар ўргатиш борасида мактабдан ташқари болалар ва ўсмирлар спорт маркази қошида 84 та, болалар ижодиёти марказида эса, 19 та амалий-ижодий тўгарак фаолият кўрсатмоқда. Спорт тўгаракларига 1327 нафар, ижодий тўгаракларга эса, 700 нафардан зиёд ўқувчи ўғил-қизлар мунтазам қатнамоқда.

***Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***



# ТОШКЕИТ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРАРО ЙЎЛОВЧИЛАР ТАШИШ АВТОСАРОЙИ

**очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги умумий мажлиси 2003 йил 9 апрель соат 9.00да автосарой мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.**

## КУН ТАРТИБИ

1. Автосаройнинг 2002 йилги хўжалик ва молиявий фаолияти якунлари ва 2003 йилга вазифалар.
2. Тафтиш комиссияси ҳисоботи.
3. Жамиятнинг йиллик ҳисоботини, баланс, тафтиш комиссияси ва аудитор далолатномасини тасдиқлаш.
4. Соф фойдани тақсимлаш, дивиденд миқдори ва уни тўлаш муддати.
5. 2003 йилга бизнес-режани тасдиқлаш.
6. 2003 йилга жамият аудиторини тасдиқлаш.
7. Автосарой бошқаруви таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
8. Акциядорлик жамияти ва унинг раиси фаолиятини баҳолаш.
9. Давлат акция пакетларини харид қилиш учун инвесторларни жалб этиш.
10. Автосарой бошқаруви раиси ваколатини – меҳнат шартномасини 2003 йилга узайтириш ҳақида.

Тошкент вилояти автосаройи ОАЖ Кузатув кенгаши.

**«Тошвилавтосарой» АЖнинг 2002 йилги БАЛАНСИ**

2003 йил 1 январь ҳолатига

| | АКТИВ | ПАССИВ |
|---|---|---|
| 1. Асосий маблағлар | 59217,6 | |
| 2. Номоддий активлар | 37779,8 | |
| 3. Низом маблағи | | 88190,0 |
| 4. Қўшимча маблағ | | 30391,3 |
| 5. Эҳтиёт маблағи | | 1551,4 |
| 6. Ишлаб чиқариш заҳиралари | 13335,6 | |
| 7. Пул маблағлари | 179,8 | |
| 8. Дебиторлар | 71031,5 | |
| 9. Тақсимланмаган фойда | | 4801,7 |
| 10. Мажбуриятлар | | 60221,9 |
| **БАЛАНС** | **185276,3** | **185276,3** |

# «TOSHKENT VILOYAT KITOB SAVDO VA TA'MINOTI»

**очиқ акциядорлик жамиятининг акциядорлари диққатига!**

**Жамият 2003 йил 3 апрель куни соат 11.00да Бектемир тумани Ж. Остонов кўчаси, 7-уйининг мажлислар залида 2002 йил якуни бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.**

**Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар соат 10.00 дан рўйхатга олинади.**

**КУН ТАРТИБИ**

1. Жамият бошқаруви раисининг 2002 йил якуни бўйича ҳисоботи.
2. Жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва 2002 йил якуни бўйича бухгалтерлик балансини ва аудитор хулосасини тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августдаги 279-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2002 йил 4 октябрдаги 204-сонли қарорларининг муҳокамаси.
4. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари фаолиятига танқидий баҳо бериш ва кенгаш аъзоларини қайта сайлаш.
5. Жамият Низом жамғармасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги № УП-3202 сонли Фармонига асосан 50 000 АҚШ доллари эквивалент миқдорига етказиш ёки жамият мулкчилик шаклини ўзгартириш.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан жамиятнинг давлат активини сотиш учун инвесторларни жалб қилиш.
7. Жамиятнинг 2003 йил бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2002 йил якуни бўйича фойдасини тақсимлаш.
9. Жамият бошқаруви раисини ишга ёллаш шартномасини узайтириш ёки тўхтатиш.
10. Ҳар хил масалалар.

Жамият Кузатув кенгаши жамият акциядорларининг реестри 2003 йил 3 март ҳолатига ёпилишини маълум қилади.





# «ЯНГИЙЎЛ» ОҲЖ

**фирмаси акциядорлари диққатига!**

**Жамиятнинг йиллик ҳисобот йиғилиши 2003 йил 28 март куни соат 14.00да Янгийўл шаҳри Самарқанд кўчаси, 143-уйда ўтказилади.**

**КУН ТАРТИБИ**

1. «Янгийўл» ОҲЖ фирмасининг 2002 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни ва 2003 йил бизнес-режасини тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2002 йил учун даромад ҳисоботини ва йиллик балансини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссияси ҳисоботи ва 2002 йил аудитор текшируви хулосасини тасдиқлаш.
4. 2003 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш.
5. Дивидендлар миқдорини тасдиқлаш.
6. Бошқарув ҳамда Кузатув кенгашлари таркибига ўзгартириш киритиш.
7. Бошқарув кенгаши раиси номзодини тасдиқлаш.
8. «Янгийўл» ОҲЖ фирмасига қарашли ерларни фермер хўжаликларига бериш-бермаслик масаласини кўриб чиқиш.
9. «Янгийўл» ОҲЖ фирмаси балансида турган автомобиллардан яроқсиз ҳолга келганларини сотиш масаласини кўриб чиқиш.

«Янгийўл» ОҲЖ фирмасининг 2003 йил 1 январь ҳолатига бўлган баланси (минг сўм).

| т/р | Номи | АКТИВ | ПАССИВ |
|---|---|---|---|
| 1. | Асосий маблағлар | 323740 | |
| 2. | Капитал қўйилмалар | 69759 | |
| 3. | Узоқ муддатли инвестициялар | 16268 | |
| 4. | Ишлаб чиқариш заҳиралари | 1507899 | |
| 5. | Тайёр маҳсулот | 137488 | |
| 6. | Дебиторлар | 414869 | |
| 7. | Бошқа активлар | 2994 | |
| 8. | Устав капитали | | 186574 |
| 9. | Захира капитали | | 280503 |
| 10. | Тақсимланмаган фойда | | 72852 |
| 11. | Кредитлар | | 421000 |
| 12. | Бошқа пассивлар | | 260005 |
| 13. | Кредиторлар | | 1252083 |
| | **ЖАМИ** | **2473017** | **2473017** |

# ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛИКЛАР ТАНЛОВИ

*Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта мактаблар учун дарсликларнинг янги авлодини яратиш мақсадида эълон қилган танлов бошланди. Унда 18 маҳаллий ва учта хорижий нашриёт ўзи тайёрлаган дарсликлар билан қатнашмоқда.*

Мамлакатимиз ҳукуматининг Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга ошираётган "Умумтаълим мактаблари учун дарслик ва ўқув адабиётларини нашр этиш тизимини такомиллаштириш" лойиҳаси доирасида ўтказилаётган мазкур танловда дарсликларнинг давлат таълим стандартларига мувофиқлиги, мавжуд дастурга мослиги, ўқувчиларнинг ёши ва билим даражаси инобатга олиниши, мазмун ва мавзуларининг ҳозирги замон билан боғлиқлиги, тили, услуби, таҳрири ҳамда дизайни юксак сифатга эга бўлиши талаб этилади.

– Танлов нашриётлар орасида кучли рақобат асосида ўтиши кутилмоқда, – деди Халқ таълими вазирлиги Дарсликлар ва ўқув ҳужжатлари бошқармаси бошлиғи Раъно Отабоева ЎзА мухбирига. – Чунки ҳар бир фан юзасидан 5-7 тадан дарслик тақдим этилган. Улар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан таклиф этилган амалиётчи ўқитувчи ҳамда олий ўқув юртлари олимлари томонидан қатъий талаблар асосида кўриб чиқиляпти.

Танлов натижалари 18 март куни эълон қилинади.

***Ҳулкар СОДИҚОВА,***
***ЎзА мухбири.***

# Икки кўргазма

*Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида бир йўла иккита қизиқарли кўргазма очилди.*

Уларнинг биринчиси "Чизма-тасвир ва акварел" деб аталган. Кўргазмада Бадиий кўргазмалар дирекцияси хазинасидан олинган 200 дан ортиқ асар намойиш этилмоқда. Кўргазмага ташриф буюрганлар таниқли рассомлар Ў.Тансиқбоев, М.Кагаров, М.Содиқов, Ж.Умарбеков, Б.Жалолов,



Л.Аблуллаев, А.Мирзаев, А.Ҳотамов, С.Рахметов ва бошқаларнинг ижоди билан танишиш имкониятига эга.

Кўргазманинг асосини акварел ва чизма-тасвир асарлари ташкил этади. Бундай уйғунлаштириш ва таққослаш ғояси бежиз танланмаган. Бир материал – оқ қоғоздан фойдаланиб рассомлар турли бадиий воситалар ёрдамида ўзига хос эстетик интеллектуал муҳитни яратади.

Чизма-тасвир – аниқлик, қатъийлик, вақтнинг акс эттирилган бир сониясидир. Муаллифнинг ифодаланаётган нарса ҳақидаги фикри ва муносабати етарлича акс эттирилган, рассомнинг шахсий услубидан қатъи назар, моделлаштириш, синчковлик билан чизиб чиқиш ёки сезилар-сезилмас чизиқлар бор. Акварел билан чизиш суратга бутунлай тескари нарса. Акварел меъморий ёдгорликларни ифодалашда ҳам муқим бўлиши мумкин эмас. Чизма-тасвир фикр уйғотади, акварел эса қалбни тўлқинлантиради, бизни гўзаллик, табиат, мукаммаллик, ички латофат олдида ҳайратланишга ундайди.

Иккинчи кўргазма "Америка ғарбида родео" деб аталади. У АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси ёрдамида ташкил этилди. Унда америкалик фотосуратчи ва ёзувчи Жо Бенсеннинг ковбойлар спорт мусобақаси – родеога бағишланган фотосуратлари намойиш этилмоқда.

***Назокат УСМОНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

## Турмуш чорраҳаларида

Майсара қишлоқдан шаҳарга келин бўлиб тушди. Тўйдан бироз вақт ўтгач, ҳайрон қоларли даражада ўзгарди. Чеккароқ жойдаги дўконга сотувчи бўлиб ишга кириб олди. Қайнона ва эрни писанд қилмай қўйди. Уларни оёғи учида кўрсата бошлади. Ўзига ўхшаган аёллар тўпланишиб, базму жамшид қиладиган бўлишди. Бундан хавотирга тушган эр хотинини тартибга чақирди:

— Икки йўлдан бирини танла: ё оилани дейсан, ёки ўша ҳамтовоқ дугоналарингни...

Майсара эрини акаларига «калтаклатиш» билан сийлади.

Йиллар ўтди. Ўртада фарзандлар дунёга келди. Эр ор-номусга чидай олмай, охири оиласини ташлаб, бошқа жойга кўчиб кетди.

Майсарага эрининг ташлаб кетгани чивин чаққанчалик таъсир қилмади. Боз устига ўзини янада эркин тута бошлади.

Бир куни тушлик арафасида дўконга ёши ўтинқираган бир киши кириб келди:

— Синглим, менга бир нарса керак эди, сизда топилармикин?

— Дўконда сиз сўраган нарса ҳозир йўқ. Эртага шаҳарга «мол»га боришим керак, кечга яқин хабар олинг, олиб келаман, — деди Майсара.

— Жуда маъқул иш бўларди, — деди нотаниш эркак хурсанд бўлиб, сўнг сўради:

— Шаҳарга бориш учун машинангиз борми? Агар бўлмаса, менда улов бор, ўзим олиб бориб келаман.




— Майли, агар сизга малол келмаса, — деди Майсара астойдил суюниб.

Улар тонгда йўлга чиқишди. Майсара шошиб уйда чой ичмаганлигини, йўлда тўхтаб тамадди қилиб олишни таклиф қилди. Эркак рози бўлди. Йўл-йўлакай ошхонага киришди. Емакхонанинг ҳилватроқ ўрни бўш экан. Майсарани ўша ерга бошлади. Озгина ичкилик ҳам ичишди. Ҳийла дадил бўлиб олган «беминнат дастёр» асл мақсадга кўчди:

— Аслида менга ҳеч нарса керак эмас. Ўзингиз билан бир гаплашсам дегандим.

— Вой, отам тенгисиз-ку. — Майсара ичкилик таъсирида юзлари оловдек ёниб, нозланди.

— Буни биламан, лекин кўнгил қаримас экан-да.

Эркак хижолатдан холи аёлни бағрига босди. Майсара жиддий қаршилик кўрсатмади. Бўса учун иккинчи юзини тутаркан, эркаланиб деди:

— Пулингиз кўпми, қанча берасиз?

— Сиз хоҳлаганча.

Шу аснода куппа-кундузи оилали эркак бир сониялик ҳою-ҳавас учун ўз оёқ-қўлини кишанлаб, бегона аёл измига топширди... Дастлаб ширин-ширин учрашувлардан икковлари маст бўлишди. Сўнг Майсара истаган пайтда қўнғироқ қилиб, уни чақирадиган, бор будини шилиб оладиган бўлди...

Бу омонат дунёда ҳеч кимга шикоят қилмай, рўзғорнинг бутун машаққатларини, оғирликларини елкасида кўтариб яшаётган аёлларимиз мени кечирсинлар, Майсара сингари енгилтак аёлларни эса, ҳаётнинг ўзи жазолайди, ундайлар эл-юрт нафратига дучор бўлганларини ўзлари сезмай қоладилар.

***Лутфинисо ОДИЛОВА.***

## Сканворд




*Тузувчи: Акромжон ХЎЖАМОВ.*

## Биласизми?

Асаларичилик — қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланиб, инсон соғлиғи учун зарур бўлган асал ҳамда халқ хўжалигида ишлатиладиган мум маҳсулоти етиштириб беради.

* * *

Арихоналарда тиббиёт саноати учун зарур бўлган она сути — прополис (елимсимон модда) ҳамда ари заҳари каби маҳсулотлар етиштирилади.

* * *

Яшаш шароити, мослашиш қобилиятлари ва жамоа бўлиб яшашлари бир-бирига ўхшаш бўлган асалариларнинг— Апис авлоди эволюциясига Т. В. Каллиней 35 миллион йил бўлган деб тахмин қилади (1958 йил).

* * *

1990 йилда бутун дунёда 750,5 минг тонна асал етиштирилган, шундан 270 минг тоннаси МДҲда етиштирилган бўлиб, дунё бўйича етиштирилган асалнинг 36 фоизини ташкил қилади.

## Кулганга нима етсин!

Жаҳли чиққан мижоз:

— Официант, туздонингиздан иккита суварак тутиб олдим! — дебди.

Официант эгилиб, мижознинг қулоғига пичирлабди:

— Ўзингизни босинг, яна ҳам сизга омад кулиб боқибди. Дераза олдидаги ҳов анави хўрандамиз ҳалигача биттасини ҳам ушлай олгани йўқ.

* * *

Тиш шифокори хонасида:

— Нега бақирасиз, ҳали тишингизга текканим йўқку! Қанақа эркаксиз ўзи?!

— Э, оёғимни босиб турибсиз-ку...


Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳридаги «БАРТ» хусусий деҳқон-фермер хўжалиги (ОКПО коди-17016761)

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 94-33-07 рақамли телефон орқали қабул қилинади.



# «ЮРХАС» ОАЖ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**Ҳиссадорлик жамияти Тошкеит шаҳар Дилкаш кўчаси, 2-уйда навбатдаги йиллик йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.**
**Йиғилиш 4 апрель соат 16.00 да бўлади.**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 15.00 дан бошланади. Рўйхатдан ўтиш чоғида акциядорларнинг паспорти, шахсий вакили эканлигини тасдиқловчи далолатнома кўрсатилиши лозим.

**КУН ТАРТИБИ**

1. 2002 йил фаолият якунлари бўйича жамият йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарар ҳисоби, фойдани тақсимлашни тасдиқлаш.
2. Жамиятнинг 2002 йилги фаолияти тўғрисида тафтиш ҳайъати хулосасини тасдиқлаш.
3. 2002 йил учун молия ҳисоботининг ҳақиқийлиги тўғрисида аудитор хулосасини тасдиқлаш.
4. ОАЖ кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш ҳақида.
5. Жамиятнинг 2003 йил учун бизнес режасини тасдиқлаш.

Навбатдан ташқари йиғилишга тайёргарлик кўриш чоғида акциядорларга тақдим этиладиган маълумотлар билан 2003 йил 1 апрелда жамият бошқарувида танишиш мумкин.

**Кузатув Кенгаши.**


*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

**Мавсум арафасида**

# ФУТБОЛ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

*Миллионлаб мухлисларнинг севимли ўйини бошланадиган кунлар яқинлашмоқда. Республика чемпионатининг олий табақаси мусобақаларида иштирок этадиган жамоалар 2003 йилги ўйинлар тақвимига мувофиқ 18 март куни илк бор яшил майдонга чиқадилар. Улар сафида вилоятимизнинг икки вакили — «Металлург» ва «Дўстлик» жамоалари тўп суради.*

Вилоят футбол федерацияси ҳам бу йилги вилоят чемпионати ва кубок мусобақаларининг тахминий тақвимини ишлаб чиқди. Унга мувофиқ мавсумни «Наврўз-2003» кубоги ўйинлари бошлаб беради. Дастлабки учрашувларни 1 мартдан бошлаш режалаштирилган.

Март ойининг охирларида вилоят кубоги баҳслари бошланади. Нимчорак финал апрель, чорак финал май, ярим финал июнь ойига мўлжалланган. Вилоят кубоги эгасини аниқлаб берадиган финал учрашуви эса, тақвимга кўра 6 августда ўтказилиши керак.

Ниҳоят, вилоят чемпионати апрель ойининг биринчи ёки иккинчи якшанбасида старт олади. Биринчи давра учрашувлари июнь ойининг ўрталаригача давом этса, чемпионатга сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида якун ясалади.

Хўш, вилоятимиз футбол жамоалари бу йилги мусобақаларга қай даражада тайёргарлик кўрди? Мавсумлар оралиғидаги танаффус даврида қандай ташкилий ва таркибий ўзгаришлар юз берди?

Бу саволларга жавоб излашдан аввал ўтган мавсум якунларига яна бир бор назар ташлаш ўринлидир.

2002 йили вилоятимиз Ўзбекистон чемпионати (олий табақа)да иккита профессионал футбол клуби — Бекобод шаҳрининг «Металлург» ва вилоятнинг «Дўстлик» жамоалари, республика биринчилиги (биринчи табақа)да учта — Ангрен шаҳрининг «Ангрен», Чирчиқ шаҳрининг «Кимёгар» ва Келес шаҳрининг «Солиқчи» жамоалари билан иштирок этди. «Металлург» мамлакат чемпионатида бирмунча муваффақиятли иштирок этиб, кучли бешликдан жой олди. Собиқ республика чемпиони «Дўстлик» тўққизинчи ўрин билан кифояланди.

2001 йил якунида олий табақани тарк этган «Ангрен» ва «Кимёгар» жамоалари мамлакат биринчилиги (биринчи табақада) бирмунча дуруст иштирок этиб, тегишлича, учинчи ва бешинчи ўринларни эгалладилар. Бироқ, «Ангрен»да яна олий табақага қайтиш учун ҳамма имкониятлар бор эди. Мавсум якунланишига тўрт учрашув қолганида у иккинчи ўринда бораётган ва ўзидан кейинги жамоадан 2 очко (йўқотилган очколар ҳисобида) олдинда эди. Афсуски, айни шу кезларда одатдаги ижтимоий-маиший муаммолар яна кучайиб кетиб, жамоа очколарни йўқотди ва олий табақага қайтиш имкониятини бой берди.

«Кимёгар» хусусида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Бундан ташқари, жамоа таркибидаги сурункали қўнимсизлик «касал»идан фориғ бўлолмаяпти.

«Солиқчи» жамоасида эса, муаммолар бунданда кўп. Биринчидан, у ўзининг рисоладагидек спорт базасига эга эмас. Республика биринчилиги учрашувларини мусобақа регламенти талабларига жавоб беролмайдиган ўйингоҳда ўтказмоқда. Иккинчидан, мавсум давомида бош мураббий уч марта алмашди. Оқибатда жамоа таркибини барқарорлаштиришнинг имкони бўлмади. Иқтисодий масалалар ҳам бунданда мустасно эмас. Ана шу муаммолар жамоанинг 14-ўринда қолиб кетишига сабаб бўлди.

Вилоят чемпионати мусобақалари анча юксак савияда ўтказилди. Чирчиқнинг «Танкчи»жамоасини истисно қилганда, жами 12 та жамоа чемпионатда барқарор иштирок этди.

Вилоят кубоги мусобақаларида ғолиб чиққан Тошкент туманининг «Тошкент» жамоаси кўнгилли футбол клублари ўртасидаги Ўзбекистон кубоги мусобақаларида ҳам барча учрашувларни ғалаба билан якунлаб, бирйўла республика биринчи табақасига ўтиш мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ушбу турнирда кўтаринки руҳ билан тўп сурган туман футболчилари биринчи ўринни эгаллаб, бу йил республика биринчилиги (биринчи табақа) мусобақаларида қатнашадиган жамоалар сафига қўшилди.

Шундай қилиб, 2003 йилги Ўзбекистон чемпионати (олий табақа)да вилоятимизнинг «Металлург» ва «Дўстлик», мамлакат биринчилиги (биринчи табақа)да «Ангрен», «Кимёгар», «Солиқчи», «Тошкент» жамоалари иштирок этади. Айтиш мумкинки, бошқа бирорта вилоят республика миқёсидаги футбол мусобақаларида бу қадар кўп жамоаси билан қатнашмайди. Демак, вилоятимизда футболни бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш ва айниқса, ёшлар ўртасида кенг оммалаштиришга жиддий эътибор берилмоқда дейиш учун етарли асос бор.

Энди вилоят чемпионати масаласига келсак, у мамлакат биринчилигининг иккинчи табақаси мақомига эга. Шу боис ушбу мусобақаларни ҳар мавсум юксак савияда ўтказишга ҳаракат қилинади. Жумладан, ҳар бир учрашув икки таркиб, яъни асосий ва ўринбосарлар таркиби билан ўтказилади. Дарвоқе, бундай тартиб ҳам фақат бизнинг вилоятимизда қатъий жорий этилган.

Бироқ, вилоят чемпионатида ташкилий жиҳатдан камчилик ва нуқсонлар, муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, вилоятимизда 6 та шаҳар ва 15 та туман бор. Яъни вилоят чемпионатида камида 21 та жамоа иштирок этиши керак. Аммо, ўтган мавсумда 12 та жамоа қатнашди, холос. Унинг ҳам биттаси («Танкчи») мавсумнинг ярмида сафдан чиқди. Ваҳоланки, 1996-1997 йилларда 19 тагача жамоа иштирок этганди.

Вилоят ҳокимининг шу йил 17 февралдаги футболни ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирларига оид қарорида вилоят биринчилигида беистисно ҳар бир шаҳар ва туман жамоаларининг иштирокини таъминлаш алоҳида таъкидланган. Амалда эса, Янгийўл ва Ангрен шаҳарлари, Паркент, Янгийўл, Юқоричирчиқ, Зангиота, Ўртачирчиқ, Оҳангарон, Чиноз туманлари жамоалари бир неча йилдирки, вилоят чемпионатида қатнашмаяпти. Шу ўринда, юз минглаб аҳоли яшайдиган туманда, наҳотки, ҳеч бўлмаса, биттагина футбол жамоасини тузиб, вилоят чемпионатига тайёрлашнинг иложи бўлмаса, деган савол туғилади.

Тўғри, бугунги маълумотларга қараганда Зангиота ва Янгийўл туманлари бу йилги чемпионат иштирокчилари сафига ўз жамоаларини қўшишга ҳаракат қилишяпти. Бу амалга ошадими, йўқми, вақт кўрсатади. Лекин, бошқа шаҳар ва туман мутасаддилари ҳам вилоятда футболни ривожлантиришдан асосий мақсад жойларда ёш ва иқтидорли футболчиларни тарбиялаб, профессионал клубларни улар ҳисобига тўлдириб бориш ва шу йўл билан Ўзбекистон футболини жаҳон даражасига олиб чиқишга муносиб ҳисса қўшиш, қолаверса, миллионлаб ёшларимизни ушбу оммавий ўйинга жалб этиб, уларнинг турли зарарли оқимларга қўшилиб ва қинғир йўлларга кириб кетишларининг олдини олиш эканлигини унутмасликлари лозим.



***Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

*Самарқанд шаҳрида ўзбек кураши бўйича Алибек полвон Примов хотирасига бағишлаб халкаро турнир ўтказилди.*

# БИРИ ОЛТИН, БИРИ БРОНЗА



Унда Арманистон, Қозоғистон, Афғонистон ҳамда Ўзбекистон вакиллари, жами 150 дан зиёд курашчилар 5 та вазн тоифасида беллашдилар.

Бу йил биринчи марта ташкил этилган ушбу турнирда вилоятимиздан беш нафар полвон иштирок этди. Улардан фақат икки нафари совринли ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. 90 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар баҳсида Давлат Чориев барча рақибларни енгиб, турнир ғолиби бўлди. Мутлақ вазнда гиламга чиққан Лазиз Қобилов бронза медали билан кифояланди.

Шуниси диққатга сазоворки, ҳамюртимиз хотирасига бағишланган ушбу турнир анъанага айлантирилиб, ҳар йили мунтазам ўтказиладиган бўлди.

# ЧИРЧИҚЛИКЛАР БИРИНЧИ

*24-28 февраль кунлари вилоятимиз йўллари бўйлаб велоспорт бўйича Республика қишки шахсий чемпионати бўлиб ўтди.*

Қизлар ўртасида ўтказилган 10 километрлик пойгада чирчиқлик Альбина Китаева биринчи ўринни эгаллади. Ўғил болалар ўртасида 100 километрга ўтказилган пойгада эса, чирчиқлик Улуғбек Саломов биринчи бўлди.

***Хуршида НАЗАРОВА.***


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Телефонлар:* *Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48* *Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.*

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-231. Адади 10420. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.*

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи—205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6